

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 13 март
Сотувда эркин нархда
№ 51 (2613)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

САМИМИЙ КЎТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Курбон ҳайити муносабати билан Сизга ўзининг самимий табрикларини йўллаш ҳамда Сизнинг биродар халқингизга катта бахт ва равнақ тилашдан гоёғ мамнунман.

Сапармурод НИЁЗОВ,
Туркменистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини муборак Курбон ҳайити байрами билан табриклашга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, Сизга мустақам соғиқ, бахт ва ютуқлар, Ўзбек халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,
Аскар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адо байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларимиз ва эзгу тилакларимизни йўллаб, сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, оқилона раҳбарлигингиз остида қардош халқингизга доимий тараққиёт ва фаровонлик тилашдан беҳад мамнунмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатларни халқларимиз манфаатларига мос тарзда ривожлантиришга қатъий ишонч билан қарашимизни таъкидлаймиз.

Энг яхши тилакларимиз ва эҳтиромларимизни қабул қилишингизни сўраймиз.

Муҳаммад Олтинчи,
Марокка Подшоҳи.

(Давоми 2-бетда).

Хорижий сармоёлар — ишлаб чиқаришга



Ҳин қоғози маъқулми ёки Наманганники?

Ҳозиргача кўпчилик ёзувчи ушлари учун машҳур Фин қоғозини афзал кўриб келинган сир эмас. Сабаби, сифати юқори, қалам силлиқ кетади. Энди унинг ёнига оппоқина, сифат жиҳатидан қолишмайдиган ўзбек қоғози ҳам қўшилди.

У Давлатобод туманида фойдаланишга топширилган «Наманган қоғози» қўшма корхонасининг жаҳон андозлари даражасидаги маҳсулот. Қарасангиз кўзингиз қувонади. Валюта эвазига хориждан келтириладиган ёзув қоғози ўрнини босадиган маҳсулот тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхона ишга тушириш осон кечмади. Баъзан шериклар пайд берилган бўлса, бошқа сафар технология бутлаш поёнига етмади. Хайтовур қаловини топишди. Вилоят ҳокимлигининг хорижий ҳамкорлар билан музокараларидан сўнг ишлар юришти. Англияннинг «Квик стоп групп» компанияси бош таъ-

сисчиликни қўлга олиб, лойиҳани охирига етказиш учун етарли сармоя киритди. Германиядан келтирилган технологик ускуналарни қайта соғлаш ва ишга тушириш тадбирлари ҳам Ҳиндистон ҳамда Франциядан таклиф этилган мутахассисларнинг астойдил маҳнати икки ойдаёқ самара берди. Ва ниҳоят, мартнинг бошида дастлабки маҳсулот чиқди. Аини пайтда корхонада кунига 10 тонна маҳсулот тайёрланаптир. Узлуксиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, тайёр маҳсулот микдори икки баравар ошди. 100 нафар маҳаллий йигит-қизларнинг мураккаб машина ва механизмларнинг усталик билан бошқариётганини кўриб ҳавас қиласиз.

Наманганликлар хомашё — целлюлозани



қозирча Россиядан олиб туришибди. Ўз навбатида маҳаллий хомашё — пахтадан целлюлоза олиш мақсадида корхонанинг иккинчи навбатини тиклаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. У битказилдаги маҳсулот ҳам муқаддас — шу йилнинг сўнги чораги. Айтиш мумкинки, бу билан хомашё масаласи тўла ечимини топади, қувватлар ортади, маҳсулот микдори кўпаяди.

— «Наманган қоғози» Ўзбекистондаги иккинчи лойиҳамиз, — дейди «Квик стоп групп» компанияси президенти Житендра Пател. — Уни охирига етказиш учун 25 миллион АҚШ доллари микдорига сармоя ажратдик. Эрта-индин корхона Марказий Осиёдаги энг йирик қоғоз ишлаб чиқарувчи муассасасига айланади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

Ёшлар — юрт таянчи

«Шу Ватанда туғилибмиз?..»

Жонли мулоқотда фикрлар етилади, янги гоёлар туғилади. Айниқса, баҳсу мунозараларга бой анжуманларда ёшларнинг шижоати, орзу-умидлари зийда эканлиги яққол намоён бўлади. Бугун улар ишонч билан ўзларининг ҳаётдаги муносиб ўринларини топиб олишга интиломда.

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетида бўлиб ўтган вилоят ёш фаолларининг мулоқоти ҳам шундан дарак берди. Қуйида шу мулоқот иштирокчиларининг «Қамолот» ёшлар ҳаракатини қандай тасаввур қилишлари, унинг фаолиятини ташкил этиш юзасидан фикрлари билан танишасиз.

Сайёра САМАНДАРОВА, 1-Тошкент тиббиёт институти Урганч филиали директорининг маънавий ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари:

«Ватанпарварлик туйғуси, хурмату иззат ҳислати ҳаммага ҳам хос бўлиши лозим. Ёшлар ижтимоий ҳаракати орқича таррадууланмасдан турли авлод намоёндалари билан доимий алоқани мустақамлаштириш мақсадга мувофиқ. «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» ҳикмати ўз-ўзидан, табиий равишда Ҳаракат учун асосий мақсад ва вазифани ифода қилувчи ширга айлиниб борапти. Шу пурмаёно сузлар унга доимо ҳамроҳ бўлиши лозим. Бу ота-болаларимизнинг истақ-интилишларидан, миллий руҳиятимиздан униб чиққан оташин давват. Назаримда, кубравийлик таъ-

лимотининг асосий мазмун-моҳиятида ҳам шунга монанд шир ётибди. Наманганда Кубро ҳазратлари «Шу Ватанда туғилибмиз, шу Ватанда ўлурмиз» деб хитоб этган эканлар.

Алишер ЮСУПОВ, «Қамолот» ташкилоти Хонқа туман бўлими раиси:

«Ҳаракат аъзоларининг ёш ҳагараларини тўғри белгилаш жуда муҳим масала. Чунки ёшлар катта ва яхлит куч. У нотўғри бўлиса ёки бир қисми чеккада қолса, мақсадга етиш мушкул. Шу сабабли аъзолар 35 ёшгача узайтирилса яхши бўларди.

Ёшларнинг ишончли етакчилари ҳам ўз иш ўринларида ёки бошқа жойда шу 25-35 ёшлилардан чиқши ҳам табиий. Улар «Қамолот»нинг чинакам камолотга етган катта бўғини бўлишларига ишонса бўлади.

Сим орқали кенгаш

Кечаги шанба кўни қишлоқ хўжалигидаги долзарб вазифалар бўйича сим орқали кенгаш бўлиб ўтди. Барча вилоятлардаги студияларда жамулам бўлган агрономат мажмуига тегишли мутаассадилар, туман ҳокимларининг эътибори чигит экишга тайёргарликни тугаллаш, бошоқли дон экинлари ўрим-йигимига ҳозирлик кўриш масалаларига қаратилди.

Ҳосил тақдири бугунги ҳаракатга боғлиқ

Кенгашни бошқарган Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков тармоқда вужудга келган аҳолини тахлил қилиб, ҳар бир нотижат амалий тақлифлар, фойдали фикрлар билдириши сўради.

Роппа-роса икки ярим соат давом этган кенгашда мамлакат далаларидаги ҳақиқий манзара ҳақида етарли тасаввурга эга бўлинди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрабеков Кенгеси Раиси, шунингдек, Андижон, Жиззах, Қашқадарь, Самарқанд, Сирдарь, Бухоро, Хоразм вилоятларининг ҳокимлари жорий йилда қанча майдонга чигит экилиши, унинг учун қанча уруғлик жамғарилгани, экиш техникасининг ҳолати, ғалла майсаларини озиклантириш ва парвариш, лаш, мавсумга дон қамбайларини ҳозирлаш қандай бораётганини тўғрисида ахборот бердилар. Жойлардаги ҳақиқий аҳолини ўрганиб келган мутаассадилар маълумотлари (бу хусусда Бош вазир ўринбосари, агрономат мажмуи раҳбари Т.Холтоев маъруза қилди) билан ҳокимларнинг ҳисоботлари солиштириб кўрилганда аҳоли бирмунча жиддий аҳалиги маълум бўлди.

Тўғри, 2000 йил кузида экинзорларни шудорлаш, ўғитлаш каби муҳим агротехник юмушлар аввалги мавсумдаги нисбатан эрта ва сифатли бажарилди. Лекин айрим туман ва хўжалиқларда бултурги хатолар такрорланганидан ҳам кўз юмиб бўлмайдди.

Гидрометеорология хизмати ходимлари бераётган маълумотларга қараганда бу йил ҳам сув тақислиги такрорланиши мумкин. Эҳтимом, ўтган йили об-ҳавонинг қандай келиши ноаниқ бўлиб, айрим жойларда ғаллатда қолиш ҳоллари рўй бергандир. Лекин бултурги хатолар ўзини билган раҳбарлар учун сабоқ бўлиши лозим. Асосий вазифа ҳамма жойларда чигитни еригнинг табиий намига ундириб олиш деб ҳисобланди. Бунинг учун ерни экишга ўз вақтида ҳозирлаш, техникани соғлаб қўйиш тақоза этилади. Чигитни плёнка остига экишга тайёргарлик кўриш масаласи алоҳида муҳокама қилинди. 25 мартдан кейин плёнка остига чигит экиш бефойда эканлиги уқтирилди. Экиш техникасини устаканда эмас, дала шариоитида синовдан ўтказиш керак. Чигит экишни ҳар бир далада

лаштирилиб, эндиликда пудратчилар ва механизаторлар ўртасида шартномалар тузилаётганини маълум қилди. Шу маънода ислохот шартномалардан бошланади, деган ҳақиқат алоҳида таъкидлангани ўринлидир.

Жиззах вилояти хўжалиқларида ғалла майдонларини ўғитлаш учун барча илмочиятлар ишга солинаётгани ибратли мисол тарзида айтилди. Лекин худди шундай шарт-шароитга эга Сирдарь вилоятида нафақат озиклантириш, балки суғориш ҳам суст эканлиги таъкид қилинди. Ички ишлар вазири ўринбосари Б.Парғиев ўз чигитида қишлоқ хўжалигида рўй бераётган қўнғузарилик ҳолатлари ҳақида сўз юритди. Чўночи Сирдарь туманидаги Иброҳим Каримов номи ширкат хўжалигида (бош муҳандис Бойсўз) 600 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар талон-тороқ қилинганлиги тилга олинди. Шунингдек, Наманган, Тошкент ва Сурхондарь вилоятларида уруғлик чигит шахсий манфаатлар учун ўзлаштирилгани айтилди. Аини пайтда техника воситалари тайёрлиги ҳақидаги маълумотлар жойида теқшириб кўрилганда тасдиқланмаган ҳоллар мавжуд. Бундай ҳолатлар билан асло мураса қилиш мумкин эмас.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, В.Отаев, М.Усмонов иштирок этдилар.

Кайта-кайта уқтириладиганлигига қарамай ҳамон жойларда ички шартномалар-

Шухрат ЖАББОРОВ.

ЎЗБЕКISTON БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

Саломатлик масканлари

Сирдарь вилояти маркази — Гулистон шаҳрида 120 уринга мўлжалланган болалар шифохонаси қуриб битказилди. Уни тез ва соз бунёд этишда «3-Сирдарьфурқоқурилиш» акциядорлик жамияти қурувчилари жонбозлик кўрсатдилар. Шунингдек, вилоят соғломлаштириш маркази ҳам қуриб битказилиб, энг замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланди. Ушбу саломатлик масканлари Наврўз арафасида фойдаланишга топширилади.

Янги Питнак канали

Ҳазорасп туманида узунлиги 21,6 километрлик янги Питнак канали фойдаланишга топширилди. Мазкур канал 18400 гектар майдонни узлуксиз сув билан таъминлаш имконини беради.



Кўмир кўпаяди

Ангренадаги 9-шахтада янги, тўртинчи бўлим ишга тушди. Йилга 60 минг тонна кўмир берувчи ушбу ишшоот қончиларнинг мустақиллигимизнинг 10 йиллигига муносиб совғасидир.

«Конституцияни ким яхши билади?»

Қашқадарь вилоят прокуратураси томонидан ташкил этилган ишшоолар танлови шундай номланди. Унда ўрта-максус ўқув юртлари ўқувчилари иштирок этдилар. Қарши педагогика билим юрти талабаси Муниса Каримова энг яхши ишшо муаллифи эканлиги эътироф этилди. Қолган барча иштирокчилар ҳам асосий қонунни ўрганиш билимдонлари эканлиги маълум бўлди.



«Эталон» совриндор

Мадриддан хушхабар келди: Андижондаги «Эталон» заводи халқаро Европа Арки мукофоти совриндори бўлди. Ушбу мукофот Германиянинг энг йирик шаҳри — Франкфуртда ўз эгасига топширилади.

Экспорт манбаи

Қоракўлчилик хорижий валюта келтирувчи манба сифатида иқтисодийимизда муносиб ўрин эгаллаптир. Ўтган йили биргина «Бухороқоракўл» очик турдаги акциядорлик жамияти Италия ва Россия фирмаларига 332,2 минг долларлик тери экспорт қилди. «Келес-жун» очик турдаги акциядорлик жамияти бу йил 640 минг долларлик тери, 935 минг долларлик жун экспорт қилиш ниятида. «Ўзбекқоракўл» компанияси 2005 йилгача қоракўл қўйлар сонини 2,6 миллион биланга қўпайтириш, жун ва гўшт етиштириш кўрсаткичларини ҳам оширишни кўзламоқда.



Норинликлар қувончи

Норин туманидаги 6 ва 29-ўрта мактаблар ўқувчиларининг қувончи чексиз. Улар барча қулайликларга эга стадион ва спорт анжомларига эга бўдилар. Ажаб эмас, ушбу мактаблардан эртамизнинг Муҳаммадқодирлари, Артуру Ирода-лари етишиб чиқса.



Андижон полипропилен ишлаб чиқариш Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бир кеча қулузда сизини 50 килограмм 20 минг долдан қоп тайёрлаш қувватига эга. Аини пайтда 220 нафар ишчи самарали меҳнат қилмоқда. Маҳсулот Қозғистон, Украина, Россия каби МДХ мамлакатларига экспорт қилинаптир.

СУРАТДА: тўқуччи Мавадхон Бозорова.

Тоҳиржон ЖАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Пиллачилар таррадулик

Навоий вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган йилда мўл-кўл «кумуш тала» етиштиришга аҳд қилган. Ҳозирги кунда вилоятда қарийб 5 миллион туп тут дароҳти парвариш қилинапти. Уларни озиклантириш, суғориш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Жарий йил баҳорда тарратилмадан 15 минг 186 кўти ипақ кўти ҳозир инкубаторларда ривожлантирилмоқда. Улардан 700 тонна пилла олиш мўлжалланмоқда.

САМИМИЙ КЎТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Алҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, қардош мамлакатингиз халқига хайр-баракот, муулмон умматига эса катта шон-шухрат ва фаровонлик тилайман.

Айёмингиз муборак бўлсин! Камоли эҳтиром ила,

Али Абдулло СОЛИХ, Яман Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу Муборак Ийд ал-Алҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллаш менга чексиз сурур бахш этади.

Ушбу қувончли дамларда Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон халқи ва муулмон умматига хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Эҳтиром ила,

Биродарингиз Абдуллоҳ бин Абдулазиз ас-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Миллий гвардия бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Алҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизгин табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса доимий тараққиёт тилайман.

Шайх Мақтум бин Рошид ал-МАҚТУМ, Бирлашган Араб Амирликлари, Вице-Президенти ва Бош вазир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлар! Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни Туркия Республикаси ҳукмати ва шахсан ўз номидан самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Самимий ҳурмат ва эҳтиром ила, Булент ЭЖЕВИТ, Туркия Республикаси Бош вазир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаб, шахсан Сизга сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқига эса доимий фаровонлик ва тараққиёт истаб билдираётган тилакларимни изҳор этиш менга катта мамнуният бахш этади.


Ушбу қутлуғ айём бугун муулмон умматига мустақкам аҳиллик ва бирдамлик ато этсин.

Жаноби Олийлар, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул эттайсиз.

Саъд ал-Абдуллоҳ ас-Салим ас-САБОҲ, Кувейт Давлати Валиаҳди ва Бош вазир.




Наврўз байрами ва мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўнлаб қурилиш объектлари ишга туширилади.



Боғ ичида... музей

Камолитдин Бехзод мемориал боғи ва боғқа узук кўзидек ярашадиган мусавирнинг музейи — шулардан бири. Бадиий академиянинг қурилишлар дирекцияси буюртмаси асосида уни 4-трестга қарашли 19-қурилиш бошқармаси қурувчилари барпо этишяпти.



Нўмзонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Чирчиқ — гуллар шаҳри

Пурвиқор тоғлар ва дарёларга туташ тўзал Чирчиқ шаҳрида бўлганмисиз? Бу ерда мустақиллигининг 10 йиллиги шарафига кўкчаларлаштириш ишлари уюшқоқлик билан бошлаб юборилган.

Шаҳарда кўкчаларлаштириш, янги хиёбон ва боғлар бунёд этиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди. Буюк ипак йўли орқали Чирчиқ ҳудудига қадимдан кўчган ҳар би киши атроф-муҳитнинг ободонлигидан, янаша турган боғ-роғларнинг мусаб-роғ хавосидан бир олам завқ туюди.

Рўзмет ДАМИНОВ.

Муҳаррир мулоқотлари

— Абдулла ака! Бир вақтлар атоқли шайхнинг асқад муҳтор «Яшашнинг маъноси ўзгарди» деган бир шеър эсан эди. Назаринда, бу шеър ва ундаги маъно, айниқса, бизнинг мустақиллик даврида эҳди ярашади. Дарҳақиқат, бугун ҳаёт бошқача, одамлар ҳам кечаси одамлар эмас. Яшашнинг маъноси ўзгарди ҳам тубдан ўзгарди. Мана шундай шароитда адабиётимиз намоёндалари ўз ҳаётларининг ўзгарган маъносини — бадиий ижод олобиди турган вазифаларини, ёзувчининг ҳаётдаги ўрнини қандай ҳис этишяпти?

— Аввало, шунинг айтишим керакки, «Яшашнинг маъноси ўзгарди» деган гапни ёзувчининг бурчига нисбатан мен сал бошқачароқ талқин қилган бўлар эдим. Масалан, Ясавий, Навоий ва Қодирий каби улуг ўстозларимиз учун яшашнинг маъноси бугун умри давомида ўзгармас бўлган: одам боласини — қомил инсон, ўз халқини — фозил халқ, келгуси авлодларини — етук, соғлом ва баркамол авлод сифатида қўриш! Бу филолий зотларнинг ижодий фаолиятлари, қалб қўри, муҳаббатинию нафратини, истеъдод қудрати, қалам кучи, қўйинг-ки, бор имконияти шу биргина маъно-мазмун, мурод-мақсадга қаратилган. Демак, Ўзбекистон давлат мустақиллиги шароитида ҳам одам боласининг феъл-атворию, ўз халқининг ахлоқ-руҳини ҳам мустақил қаламшар ҳисоб қилишимиз керак.

— Давлат, табиийки, наҳдда нозик, инсон руҳини, қалби, ҳис-туйғуларини, кечинмалари билан боғлиқ бир ҳодиса. Шу боғдан, унинг сийбати, мафкура билан муносабати ҳам нозик ўзига хосликларга эга. Ҳатто, сир эмас, шу боғдан бўлса керак, Истиқлолнинг илк кунлари айрим ёзувчиларимиз адабиётини умуман мафкурадан ҳалос этиш керак, деган оғавотлар билан ҳам чиққан эдилар. Бироқ соғом, эзгу мақсад-ни тилишларга асосланган мафкура жамият ривожини учун сув билан ҳаводек зарур ва бугун аққоқ аён бўлаётган. Модомики

Мустақиллик Наврўзи Қизилқирга чорлар йилбоши

Жиззахда Наврўз номи билан аталдиган жойлар, масканлар кўп. «Наврўзота», «Наврўзқул», «Наврўзидир». Ҳатто Урта Осиёда қулайлиги, яратилган шарт-шароити билан ягона ҳисобланган, халқаро авто-мото пойгалари ўтказиладиган трасса ҳам «Наврўзқул» номини олган. Кейинги йилларда деярли барча туманларда бу ном билан янги-янги қишлоқлар, қўрғонлар, мактаб ва боғчалар қад ростляпти. Бу аҳолининг азалий байрами — деҳқон йилининг бошланиши кунига бўлган чукчур эҳтиромни, ҳурмати рамзидир.

Дарвоқе, Форишда Наврўз янги кунига эмас, ҳақиқий йилбоши сифатида кутиб олинади. Ном ҳам шундай йилбоши. Қишлоқдаги ҳар бир оила белгиланган пайтда уйда тайёланган оғавотларни кўтариб, очик ҳавога чиқилади. Кейинлар саломию сумалак сайланди, янги келинларнинг пазандалик, бекалик маҳоратларига шу ерда баҳо берилади. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган полвонларнинг кураши байрамига ўзига хос завқ бағишлайди. Бирон йил йўқки, форишлиқлар ўзларининг «Йилбоши»ларини нишонламаган бўлсалар.

Советлар даврида ва ҳатто даҳшатли уруш йилларида ҳам Йилбоши тантаналари қанда қилинмаган. Чунки у кишиларга куч-қувват, ўзларига ишонч бағишлаган. Уша кун деҳқонларга оқ фотиҳа берилди, далаларга уруғ очилган. Мана шу ағванлар тўғрисида Форишда қадимий халқ ўғилларининг қўллаб турлари сақланиб қолгани аниқ. Шу боис ҳам Мустақиллик йилларида айнан шу ерда халқ ўғилларини тиклаш ташаббуси туғилди. Миллий меросимиз, тарихий удуларимизнинг ўрганиш борасидаги қаракатлар ҳақида ҳужжатли фильм яратилди. Фориш 1 Республика Халқ ўғиллари мусобақалари ташкилотчиси бўлди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган минглаб спортчилар ёшларини марликка, ботирликка, Ҳаққонлигига ҳушёрликка ундайдиган, она-Ватанини авайлаб-

асрашга, қўриқлашга даъват этидиган халқ ўғиллари турлари бўйича белашдилар. Туман маркази — Янги-Қишлоқнинг Нурута тизма тоғларига туташ жойдаги қиру адириларнинг тош ва кумлари негидир қип-қизил. Халқ ўғиллари шинавандаларининг Қизилқирда мустақкам кўним тоғларига ҳам ўн йил бўляпти. Бу ердаги майдончаларда чиллик, лапар, пода боши, минди, оқ суяк каби ўғилларда беллашув учун табиатнинг ўзи яратиб қўйган шароит сизни маҳлис қилади. Ешу қарининг замонавий спорт турлари билан шугулланишларига ҳам имконият бор. Қиринг бир ёнбошида эса юзлаб навандозлар улоқ-қўпқари чопишлари мумкин. Қисқаси Қизилқир табиатиниёзм этган улкан сайлоғга айланган.

Мустақиллик тўғрисида биз бошда ҳикоя қилган Йилбоши тадбирлари туман миқёсида шу ерда ўтқизилган бўлди. Наврўз кунлари халқ ўғиллари бўйича мусобақалар айнанага айланди. Лоф эмас, байрамга ҳатто қўшни Қозғистон, Тожикистондан меҳмонлар келишади. Келишадиган қўрғонларидан завқланиб, ҳайратланиб, еқа ушлаб қайтишади.

Рост-да, қайси бир мамлакатда ўзбек ўғиллари бўлиши удуларига бу қадар эъзозланади. Қайси мамлакатда турли миллат вакиллари ўзларининг урф-одатлари, таомилларини оламга кўз-кўз қилишади.

Туман ҳокими ўринбосари Шодибой Шавқиевнинг айтишича, бу йилги Наврўзгаги миллий таомлар қўриғида қозоқ, тожиқ, рус, татар пандалари ҳам иштирок этиб, юздан зиёд турдаги ноз-неъматлар намоиш этилади. Эйтиборлисиз яна шундаки, ялпиз, исмаоқ, татран, райхон, равоч каби қўқатардан тайёрланган таомлар алоҳида инобат олинади. Тумандаги энг ораста оидларнинг меҳмон кутиб маданияти ўрганилади.

Бадиий жамоалар қўриқ-танловиди Устақиллоқнинг «Сайё» фольклор гуруҳига тенг келадигани бўлмаган.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОАО ОСИЁ ФОРУМИ

Хитой Халқ Республикаси Хайнань вилоятининг Боао шаҳарисида Осие мамлакатлари ва Австралининг янги ноҳумат минтақасини ташкилот — Боао Осие Форумини очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Марказий Осие мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этиди. Ушбу Форум Осие иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди.

Мазкур ноисёний халқаро ташкилотнинг тантанали очилиш маросими арафасида Осиенинг 25 мамлакат ва Австралия вакиллари билан бош ташкилий қўмитаси Цзян Осие Форуми Декларациясини қабул қилди. Декларацияда, жумладан, Форум қатнашчиларининг мулоқотни кенгайтиришга интилиши, биргаликдаги ўзаро ҳаракат ва Осие мамлакатларининг ўртасидаги ҳамкорлик нафадат минтақа ичкарисиди иқтисодий алоқаларини мустақкамлаштиришга олиб келишига, балки Осиенинг дунёдаги бошқа минтақалар билан савдо-сотик ва сармоиявий алоқаларини ривожлантиришга қатъий ишонинларини ўз ифодасини топган.

Боао Осие Форуми бош қотиби этиб сайланган Лажжи Сингх (АСЕАНнинг собиқ бош қотиби) тадбир қатнашчиларига мурожаат қилар экан, ушбу Форум халқаро ташкилот сифатида ўзоққа борадиган тарихий аҳамиятга эга молик ҳамда Осие халқларини бирлаштирувчи анжуман эканини қайд этиди. Форум Осие халқларининг ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва бир-бирини тўғри тушуниш муҳитини яратди. Ўз навбатида Форум Осие мамлакатларининг ўртасида яқиндан алоқаларининг йўлга қўйилишига кўмаклашибгина қолмай, Осие ва дунёнинг бошқа минтақалари ўртасидаги муносабатларнинг мустақкамлаштиришга ҳам ердам беради.

Дарҳақиқат, Форум Осие мамлакатлари ҳамда дунёнинг бошқа ҳудудлари учун минтақад а иқтисодий тараққиёт, демография ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари юзасидан мулоқот ўтказишга қулай имконият яратди. Боаода ташкил этиладиган Осие илмий-тадқиқот институти фаолияти эса янги Форумнинг самарали ишларининг интеллектуал қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА махсус мухбири.

Ўзбекнинг

Бундай мафқуранинг «мазасини тортган» адиблар, эҳтимол, шу азобу қудратлар таъсирида «мафқура сиз адабиёт» гоёсини илгарини суршигандир. Лекин, шу билан бирга, масалага кенгроқ қарайлик. Демократик, бургага аччиқ қилиб қўришга ўт қўйиш ҳам соғлом руҳли одамнинг иши эмас. Бир яроқсиз, ноинсоний мафқуранинг таъсирида умуман «мафкура» тушунчасини ёмон отлиғ қилиш тўғри эмас. Атамада нима айб? Бунинг учун тафаккур тарихига, жумладан, адиблар ва саябатга назар солайлик. Тарихда миллатимиз бағридан етиш қиққан буюк шахслар энг улуг мафқурали зотлар эди. Амир Темури бобомизни милади. Ватан дарди майдонга келтирди. Жаловилдин Мангуберди қалбига шу дард бутун бошлиқ Мўғул империясига қарши кураш наратини бағишлад. Мутафаккир Навоий бобомиз ўз даврида шундай улуг гоёларини асарларида ифода этдики, нанки

Ўзбекнинг


биз, балки бутун инсоният ҳамон уни ардоқлаб тилга олади. Утган пиреу алоқаларимиз, буюк олимларимиз моҳир говвослек ҳаёт умонининг туб-тубидан ўз халқига, қолаверса, буткул баширатга асқотулик яроқроқ гоёларини топиб, байроқ қилиб кўтардилар. Бизга шу мактаб ибрати ҳаминча йўлчи қолду бўлмоғи керак.

Бинобарин, ҳамма гап мўйяён мафқуранинг нечоғли инсоний, ҳаётини ва одамзот орзу-умидларига мос-мувофиқлигига бориб тақалаверади. Ўз халқини — етук халқ, давлатини — тараққий топган давлат, халқининг ҳар бир вақилини — қомил инсон сифатида қўриш иштиёқиди ёзувчи учун, аминманки, миллий истиқлол мафқураси энг мақбул мафқурадир. Хуллас, бу мафкура «юқордан» тўқиб чиқарилмаган. Мустақиллик давридаги мафкура бевосита халқнинг, ҳар биримизнинг ўз маънавий интилишларимиздан, эзгу ният-мақсадлардан туғилди, кўкариб, камол топаётган, сўзининг асл маъносиди миллий гоёлардир. Уни ҳаёт, тараққиётнинг ўзи етиштиряпти. Жумладан, бу мафкура — ёзувчиларимиз ва саябаткорларимизнинг ҳам қалбиди, қонида бор ва уларнинг асарларида жамол кўрсатмоқда. Халқини — халқ, миллатини — миллат қилдиган қудратли куч — миллий мафқуранинг ривожиди адабиёт ва саябатнинг оташини, таъсирчан

сўзи алоҳида ўрин тутди. Шу бурчимизни биз янада чуқурроқ ҳис этишимиз керак. — Мустақилликнинг илк йилларида ва ҳозирги кунда ҳам адабиётимизда тарихий маънаво салмоқли ўрин эгаллаб келаяпти. Бу, албатта, яхши. Чунки тарихий маънаво асарлар халқимизнинг миллий ўзинини аниқлашда, тарихий онг ривожиди бебаҳо ўрин тутди. Бироқ адабиётимизда замонавий ва замонавийларимиз ҳақида бамисола тарихий маънаво бўлаётган илҳом билан ижод қилиш таъмоили неадир кўзга ташланмапти. Бу тўғрисида Президентимиз ҳам йиллар масаласига бағишланган йилгидаги куон-чаклик билан гапирди. Дарҳақиқат, ҳозирги кун ҳаётимиз, ҳозирги кун қаҳрамонлари ҳақида етук бўларди бирор тарих асарини эслаб олмаймиз. Буни қандай изоҳласа бўлади?

— Адабиётнинг куч-қудрати унинг қаҳрамонларининг нечоғли ҳаётини ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан ибратли бўлиб, кенг тарқалганлиги билан белгиланади. Шу маънаво, буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонадиги «Фарҳод ва Ширин» тимсоллари ёхуд Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан ҳаётга қадим қўйган Оттабек халқимизнинг севимли қаҳрамонларига айланган кетганлигига ҳаммамиз гувоҳимиз. Ҳаётда бир отанинг икки ўғли бўлса, улардан бирининг исми Фарҳоду, иккинчисининг исми Оттабек десак, янгишимизми?

Адабиётнинг худди мана шу нозик ва кўз ялагмас жиҳатларида Президентимизнинг алоҳида эътибор қаратганини шоён таҳсинга сазвордир. Мустақиллик шароитида инсонга муносабат тубдан бошқача. Масалан, яқин ўтмишда тижоратчи ёки дин намоянисиди — адабиётнинг бош қаҳрамони бўла олармиди? Албатта, йўқ. Бугун одамларга қараш тамомилда ўзгарди. Замонавийлик, энг аввало, аша шунда. Инсонга қарашининг янгилашганлигида. Албатта, биз адабиёт ва саябатда қандай тоифа вақилини кўрсатмайлик, битта мезондан — у нечоғли инсон, деган қарашдан келиб чиқишимиз зарур. Шу нуқтан назардан қаралса, инсонда



Биология фанлари номзоди Қаҳрамон Равшановнинг кўп йиллик меҳнати ўз самарасини берди. У бугуннинг серхосил ва эртапишар — «Истиқдол» нави яратди. «Истиқдол»нинг афзаллиги шундаки, қандаёт махсулотлари учун ишлатиладиган ун айнан ушбу навлан олинади. СУРАТДА: Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтини доценти Қаҳрамон Равшанов. Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.


Бу китобни ўқинг

«Муштум» кутубхонасига хўш келибсиз!

Қадрли муштарийлар! «Муштум» кутубхонаси рўқни остида чиқиб турган, ичак узди хангомалар, латифалар, қатра ҳажвий ҳўқоялар ва шеърйи лўфларни ўз бағрига олган митти китобчалар Сизларга албатта таниш ва ҳатто сеvimли. Яқинда «Шарқ» нашрийет-матбаа акциядорлик компаниясини Бош тахририяти чоп этган «Бошга лойик пайтава» номли, шу туркумдаги янги китобча Сизу бизга яна бир арзирли совгадир. Пайтава, маълумки, қишқировли кўнларда оёқни иссиқ тутиш учун унга ўра-

ладиган матоҳ. Аммо у... бошда нима қилиб юрибди? Буни китобчани ўқисангиз, билиб оласиз. Шу билан бирга, ушбу ҳажвий китобча бошдан-оёқ пайтава хангомаси эмас. Бунга ишониш учун китобчани кўлга олиб, лоақал варақлаб кўришингизни маслаҳат берар эдик. Унинг илк саҳифалари атоқли адиб Саид Аҳмад, устоз адиблар — Ойбек, Гафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ҳаётлари оид антиқа хангомаларни ҳадиъа этади. Уларни ўқиб Ойбек ва Миртемирдай буюк шахсларнинг дилбар соддалигини, Ф.Фуломнинг донишманд қўвлигини,

А.Қаҳҳорнинг тенгсиз закиллигини кўнгилдан ҳис этамиз. Забардаст адиб Нўмат Аминовнинг ўз дўстлари, ҳамкасблари ҳаётдан латифанамо митти эсдаликларини ўқиб, яна бир хўмордан чиқасиз. Анвар Обиджон, Мухиддин Дарвишев, Уктамжон Юсупов, Исломо Шогўломов, Азиз Абдураззоқ, Ашурали Жўраев, Турсунбой Адашбоев, Амрилло Бешимов каби ёзувчи ва шоирларимиз ҳам шингил интермедиялар, аскиялар, хангомаю латифалар, шеърйи пародиялар билан қатнашган. М.САФАРОВ.



Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
• турли аркалар тайёрлаш
• чанг ва товуш ўтказмаслик
• ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
• очиладиган ва суриладиган курилма, жалюзилар ўрнатиш учун қўлай
• ёнгиндан ҳавфсиз.

YAKKA BUJORTMALAR QABUL QILAMIZ. Yil mobaynida servis xizmati kursatish. ALQUR. Manzil: Toshkent sh., Bektemir tumani, O'xangaroni shox k'chasi, 2. Tel.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Fax: (371) 98-47-00.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ - ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ. 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки техник базасини такомиллаштириш ҳамда кўчатириш мақсадида компьютёр техникаларини харид қилиш мақсадида танлов эълон қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИНING ТОШКЕНТ СОЛИҚ КОЛЛЕЖИ. 2001/2002 ўқув йилига қабул эълон қилади. Солиқ коллежи харбийлаштирилган ўрта махсус касбий ўқув юрти бўлиб, унда таълим олувчилар — курсантлар ҳисобланади.

АБИТУРИЕНТ ҚўЙИДАГИ ҲУЖАТЛАРНИ ТЎПШИРИШ ПОЗИМИ. - таълим оладиган тили кўрсатилган ариза; - умумий ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (11-синфда таълим оладиганлар мактабдан маълумотномани тақдим этишади); - саломатлиги тўғрисидаги 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома; - 3x4 ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз).

«ТУРОН» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ. Ўз акциядорларига 2001 йил 12 апрел соат 10.00 да «Турон» АТББ биносида 2000 йил якуни бўйича акциядорлар УМУМИЙ МАЖЛИСИ ўтказилишини эълон қилади. Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 44-уй.

ибратли ҳижатлар ҳам, ёки аксинча, унинг маънавиятида жиддий муаммолар ҳам бўлиши мумкин. Энг муҳими, адабиёт, санъат — инсонга ёндашувда ҳаммиса ҳалол, ҳалол ва яна ҳалол бўлмоғи керак. Шақ-шубҳасиз, ўтган ўн йил мобайнида бизда янги адабиёт турли. Янги мустақил давр шеърини дўнға келди. Халқимизнинг миллий ўтмиши ва буюк аждоғларимиз тақдирини ҳаққоний акс эттирувчи тарихий мавзудаги асарлар яратилди. Шу билан бир қаторда Саид Аҳмад, Уткир Ҳошимов, Шўқур Ҳошимирзаев, Тоғай Мурод, Хуршид Дўстмуҳаммад каби ёзувчиларимиз замон ва замонашларимиз тўғрисида қўзғиқарли асарлар яратдилар. Буларни эътироф этишимиз керак. Лекин истиқлол даврининг чинакам қаҳрамонлари сиймосини яратишда замондан орқда қолаётганимизни ҳам тан олишимиз керак.

руҳи кўчади, инсон кечинмаларининг ҳеч истисносиз барча ҳили адабиётта ва публицистикага борган сари ладил кириб келаяпти. Гап ана шу ички, маънавий фаолликнинг ривожлантиришида. — Фурсат бўлди дегунча, бир адабиёт муҳлиси сифатида ҳозирги адабиётимиз ингилаклари билан танишиб борамам. Умуман ўқиганларидан таассуротим шундайки, ҳозирги адабиётда бадий иланишлар хилма-хиллиги кўга таъналанаяпти. Адабиётимизда Шарқ ва Ғарб адабиётининг ҳам анъанавий, ҳам шу пайтгача биз учун таомилда бўлмаган ижодий йўналишлари, услуб ва мактабларнинг тажрибалари ўзаро учрашаёпти ва шу асосда бадий тафаккур ингилавланаяпти. Сизнингча, ҳозирги адабиётдаги барча иланишлар унинг бадий имкониятини кенгайтиришига хизмат қилаёптими? — Бир ижодкор сифатида билганим шунки, бадий асар, хоҳ у роман бўлсин ва ё достон, насрий ва ё шеърйи, муайян адабиётдаги илдиларнинг нечоғли теранлигига қараб юксалади. Ҳар қандай тажриба миллий анъаналаримизга мустаҳкам таянган ва уларга янгица ёндашган бўлган пайтдагина унинг оқлайди. Шундагина алоҳида бир қалам-кашнинг тажрибаси умуман адабиётимизнинг тажрибасига айлана олади. Рўпарамизда Навоий, Бобур, Машираб каби сиймоларнинг ибратли турибди. Еки йирик насрий асар хуусида гап кетганда, бизда Абдулла Қўлирийнинг, Чўлпоннинг тажрибаси бамисоли нузли қўялардир. Ҳар қалай, каминна шунга аминманки, бизнинг кўпни кўрган тулпаримизда, дейлик, шамшоду сарву санобарни қайта ўстириш, масалан, кактус билан лальманни ўстиришни тажриба қилишга нисбатан минг қарра осонроқ, маълумроқ ва самаралироқ машғулотдир.

СЎЗИ

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла ОРИПОВ билан сўхбат

эканман. Мен публицистикани сергаллик эмас, камгаллик деб, жанг-жалаллар, ерга уришлару кўкка кўтаришлару кўроли эмас, чинакам бадий тафаккурнинг энг долзарб тури, замонашларга қаратилган дил сўзлари, бадий тафаккур йўсини деб биламан. Публицистиканимиз уришқоқлик, чепласига ёмонотлик қилиб қўра қалпаш ва ё, хурматли олимимиз Озод Шафаридиниов айтганларидек, «маддоҳизм» каби номақбул кайфиятлардан тобора холис бўлиб, муайян ўйланлик, фикрчанлик, босиқлик, онгли мушоҳада ва инсоний кечинмаларнинг шеър қадар бевосита ва самимий-бегараз ифодали, яъни, эссе, ўзимизча айтганда, бадиҳа тусини олаётган экан, бу ҳолдан афсусланиш эмас, аксинча, суюниш керак деб ўйлайман. Дарё ҳам қанчалик теран ва тиник бўлса, шунчалик еокин оқдан ёқуд аксинча. Тиланим шунки, бадий публицистиканимиз елдек келиб селдек кетгувчи ўткинчи нарса эмас, ҳар биримиз учун мусаффо ҳаво-ю зилол сувдек ҳаётбахш бўлсин! Мусаффо ҳавони булғашу зилол сувни лойқалатишдек ноҳўр қўнликларни эса, энди йнгиштириб қўнганимиз маққул.

— Дарҳақиқат, ҳамма даврларда адабиёт ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришларга энг сезир, энг фаол барометр бўлиб келган. Бундай заковат — бизнинг адабиётимизга ҳам хос, адабимиз. Ўзимизча, мамлакатимиздаги истиқлолий уйғоғинларда сизнинг собиқ замон ва тузум билан чуқур маънавий бахса қиришиб ёган шеърларингиз муҳим рол ўйнасан эди. Истиқлолнинг илк йилларида эса ёзувчиларимиз ва шоирларимиз энг шимарли ўзбек публицистикасини жуда ривожланти-

— Соғлом авлод йили муносабати билан Ўзбекистон телевидениесида туркум кўрсатувлар тайёрлаш жараёнида ўз фаолиятингиздан қўнғил-гиз тўлдими?

Муҳаббиримиз «Офарин — 2001» таловига номзод, журналист Муҳтарам УЛУТОВАга шу савол билан мурожаат қилди.

«КЎНГИЛ ТЎЛМАГАНИ ЯХШИ-ДА»

— Едингилами, собиқ совет иттифоқи оналар ва болалар ўлими бўйича дунё мамлакатлари ўртасида юқори ўринларда турган бўлса, Ўзбекистон аини шу борада иттифоқда дастлабки қаторни эгаллаган республикалардан бири эди...

пунктлари, энг чекка ҳудуддаги она ва болаларни тиббий қўриқдан ўтказиб, зарур ҳолларда совлолаштиришга кўмаклашадиган кўча амбулаториялар ҳамма вилоятларда ишлаб турибди.

Утган йили Ўзбекистон телеканали орқали «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз» кўрсатувини тайёрлаш жараёнида республикамиз вилоятларининг олис-яқин туманларида бўлганимда, мустақиллигимиз давригача бўлган манзаралар тинмай кўз олдидан ўтаверди: бир-бирига туташиб кетган пахтазорлар орасида қисилиб-қимтиниб турган ҳовлиро уйлар... Эрта тонгда мурғаккина боласини кўтариб далага йўл олган аёллар... Ёзинг жазирасида ҳам дала четидаги туғларга осилган беланчаларда ётадиган норасида болалар... дориланган пахтазордан чиқиб келиб, юз-кўзларини тузқроқ ювиб олишга шай бўлмаган, дала шийлонида ойнадорига мушук бўлиб ётган болаларнинг бағрига босган, эмизган келинчақлар... Ва буларнинг оқибатида хоналарни йўлақлари хавфли юкмули касалликлар билан оғриган беморларга тор келган шифохоналар... Чунки у даврда инсон қадри у еттиштирадиган моддий бойликлардан арзон, қадрсиз эди.

Муаммолар ҳам оз эмас. Лекин шунинг билан чиқармайликки, қарийб ўтган асрнинг дастлабки ўн йилликларидан бошланган, кейинги эллик йил давомида еримиз, сувимиз, табиғий миз, озик-овқатларнинг захарланган оқибатида одамлар жисмига синган ва авлодига ўтган дардлардан фориғ бўлиш тезда кечадиган жараён эмас.

Кўрсатувларимиз эфирга узатиладиган телевидениега қўнғилроқ қилиб шифоқорларга учрашмоқчи эканликларини айтиб, маслаҳат сўраган ота-оналар кўп бўлди. Демак, халқимизда ўз саломатлигига, фарзандлари соғлиғига муносабат ўзгармоқда — бу давлат сиёсатининг одамлар дунёқароши, маънавиятидаги илғикоси.

XXI аср спорти



Шу йилнинг август ойида Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўзбек кураши бўйича учинчи жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда дунёнинг бешта қитъасидан юзлаб сара полвонлар иштирок этиши кўти-моқда. Хўш, мазкур баҳсларда кураш ватани бўлган Ўзбекистондан қайси полвонлар иштирок этади?

Дарвоқе, ундан аввал, яъни 27 апрел-3 май кунлари Самарқанд шаҳрида янги асрдаги биринчи қитъа чемпионати мусобақалари ўтказилди.

Республика Кураш миллий федерацияси пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ўтказган Ўзбекистон чемпионатидан қўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни аниқлаб олиш эди.

Демак, Самарқанддаги Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ўз вазн тоифаларида қуйидаги спортчилар ҳимоя қиладиган бўлишди: Фарҳод Турпён (81 кг.), Баҳром Авазов (90), Шухрат Хужасев (100), Нодирхон Музафаров (+100), Давлат Чориев (мутоққ вазн), Берк Жусимбеков (73), Тўра Утаев (66), Уткир Эгамов (60).

Бир нарсани кишига гурур бағишлайверди: қаранг, ўзбекининг кураши бўйича мусобақаларни венгерлар заминидан ўтказасан! Бутун дунёдан паҳлавонлар чорлансан! Зеро, миллий спортимиз йигирма биринчи аср спорти, деб эътироф этилаётди. Ана шу эътироф ўзбек курашининг Олимпияда уйинлари тарихидан ўрин олишининг мустаҳкам замини бўлиб қолсин.

Дилноза БЕГИМ.

Будапештга кимлар боради?

ДИККАТ! Сиз аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган ягона банкни биласизми? **ДИККАТ!**

Ха, тўғри топдингиз - бу ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИдир.

Айни шу банк сизга янги турдаги омонатларни таклиф қилади.

Янги асрда ҳаётбахш умидларингизни ҳақиқатга айланишида Халқ банкининг янги турдаги «Аср соғваси» омонати яқин молиявий кўмакдошингизга айланади. Ушбу омонатга 5 млн сўмдан кам бўлмаган миқдорда биринчи қирим бадалларини қўйишингиз билан сақлаш муддатига мутаносиб равишда катта миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз.

«Аср соғваси» омонати - Сизнинг орзуингизни қисқа муддатда рўёбга чиқаришидаги катта имконият!

Сиз Халқ банкида «Оналар ва болалар» йилига бағишлаб жорий этилган «Бахтли болалик» мақсадли омонатига маблағ қўйиб, фарзандларингиз келажаги пойдеворини яратганингизга амин бўласиз.

Мазкур омонат фақат 2 ёшгача бўлган болажонлар номига очилиб, ҳар ойда камида 1000 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, кўз унгангизда улғаяётган фарзандингиз учун муносиб соғва ҳозирлайсиз. «Бахтли болалик» омонатига белгиланган йиллик фойз даромадлари қўйиш билан бирга, фарзандингиз 16 ёшга етганда омонатнинг охири қолдиги 100 фоизга қўпайтирилиб берилади.

Омонатини муддати тўлмасдан олиш истаги тугилса, марҳамат. Маблағларингизни фойз даромадлари билан қайтариш биздан!

Сиз янги жорий қилинган «Кексалик гапши» мақсадли омонат турига 10 йил мобайнида ойига 1500 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, ўзингиз учун кексалик гапшини суршига замин ҳозирланган бўласиз. Банк Сизнинг маблағларингизга ҳар йили даромад қўйиши билан бирга омонат муддати тугагач маблағингизни 100 фоизга қўпайтириб бериш мажбуриятини олади.

Омонатини муддатидан олдин олиш ҳам мумкин!

Сақлаш муддатига мутаносиб равишда даромадлар тўлаб бориш бизнинг вазифамиздир.

Сизни қизиқтирган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

Янги асрда Халқ банки барча хайрли ишларингизга муваффақият ёр бўлишини ва фаровонлик ҳамроҳингиз бўлишини тилаб қолади!

Ўзбекистонда 1922 йилдан буён муносиб банклар билан тенг фаолият кўрсатаётган

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ ҚУРИЛИШ БАНКИ

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

республикамиз аҳолисига, серкўёш ўлкамиз меҳмонларига ҳамда жисмоний шахсларга **БЕПУЛ ВАЛЮТА ҲИСОБ РАҚАМИ ОЧИШНИ таклиф этади.**

Банк ходимлари сизларга юқори даражада қуйидаги хизмат турларини кўрсатади:

- валюта ҳисоб рақамини очиш;
- ҳисоб рақамидagi валюта маблағларини хорижга кўчириш;
- Ўзбекистоннинг барча минтақаларида жойлашган барча филиалларидан валютани нақд пулда олиш.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 60 дан зиёд йирик жаҳон банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатганлиги жаҳоннинг истаган нуктасига тўлов ва ўтказмаларни тезкор амалга оширишга имкон беради.

Агар сизда нақд валюта маблағини ўрнатилган меъёр чегарасида чет элга олиб чиқиш зарурати тугилса, бундай ҳолатда, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан маълумотнома-рухсатнома берилади.

Валюта ҳисоб рақамини очиш учун паспортнинг ўзи kifофдир.

Валюта бўйича омонатлар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча филиалларида қабул қилинади.

Валюта маблағингизнинг миқдоридан қатъий назар, «Ўзсаноатқурилишбанк» валютада қуйилган омонатга йилликнинг 5% фойзи миқдорида ҳақ тўлайди.

Банк ходимлари сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги телефонлар орқали жавоб беришга тайёр: **Тошкент шаҳрида: Бош офис 120-45-35; Тошкент шаҳар минтақавий филиали: 136-77-19; Нукус шаҳрида: (36121) 7-85-61, 7-99-26; Андижон шаҳрида: (3742) 22-17-25, 22-17-24, 22-16-09; Бухоро шаҳрида: (3652) 23-48-59, 23-46-53, 23-86-53; Қарши шаҳрида: (37522) 4-45-90, 4-41-85, 4-22-30; Навоий шаҳрида: (43622) 4-50-71, 4-69-21, 4-69-41; Наманган шаҳрида: (36922) 6-52-90, 6-41-62, 4-04-51; Самарқанд шаҳрида: (3662) 21-05-29, 31-11-14, 21-33-41; Шарғун шаҳрида: (37648) 4-36-87, 4-31-30; Гулистон шаҳрида: (3672) 27-64-36, 27-63-87, 27-64-70; Фарғона шаҳрида: (3732) 24-47-48, 24-68-64, 24-38-51; Урганч шаҳрида: (36222) 6-10-16, 6-92-85, 6-97-61.**

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» КАФОЛАТ БЕРАДИ

- ✓ маблағингизни сақлаш;
- ✓ омонат тўғрисидаги маълумотни сир тутиш;
- ✓ валюта маблағингизни биринчи талабингиз бўйича бериш.

ХИҚМАТ

Кўз кўр бўлса ҳам ақл кўр бўлмасин.

Жумбоқ

Учта тракторчининг Аҳмад деган акалари бор. Лекин Аҳмаднинг биронта ҳам укаси йўқ. Буни қандай тушуниш мумкин?

10 мартдаги жумбоқнинг жавоби:

Дунёдаги энг гўзал гул — аёл. Буни биринчи бўлиб Садоқат Орифжонова топди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ КОМИССИЯСИНING

2001 йил 12-февралдаги мажлиси 39-сонли баённомасига асосан автотранспорт фаолияти учун берилган қуйидаги рақамлардаги:

лицензияларнинг амал қилиши тугатилди:

- AT № 0002997 - «Урганч экскаватор-ремонт заводи» (Урганч шаҳри);
- AT № 0004174 - «Среднеазиатстрой» трестининг 3-қурилиш-монтаж поезди (Урганч шаҳри);
- AT № 0005938 - «Иттифок» илмий-ишлаб чиқариш жамоа корхонаси (Тошкент вилояти, Қибрай тумани);
- AT № 0001542, 0001543 - «Довон» жамоа мулки корхонаси (Тошкент шаҳри);
- AT № 0004615 - «FACILTRANS» МЧЖ фирмаси (Тошкент шаҳри);
- AT № 0005605, 0005606 - «Святая Мария» кичик корхонаси (Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри);
- AT № 0005447 - «Таъминот-хизматчи» ҳиссасдорлик жамияти (Тошкент шаҳри);
- AT № 0005593 - «АСР» хусусий автотранспортда ташувчилар уюшмаси (Самарқанд шаҳри);
- AT № № 0000111, 0000300, 0000479, 0000684, 0001006 - «Ўзавтотранс» ДАК 2503-сонли автожамланмаси (Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри);
- AT № № 0000281, 0000451, 0000879, 0002436, 0002437 - «Бахт хизмат» ҳиссасдорлик жамияти (Тошкент шаҳри);
- AT № № 0004017, 0006233, 0006445 - «Турон» фирмаси (Самарқанд шаҳри);
- ТЭ № 0009238 - «Тулпор» жамоа корхонаси (Тошкент вилояти, Зангиота тумани);
- ТЭ № 0009245 - хусусий тадбиркор Айзенберг Я.Ю. (Тошкент шаҳри).

лицензиялар бекор қилинди:

- AT № 0006028 - «Турсервис» фирмаси (Самарқанд шаҳри);
- AT № № 0005617, 0005618, 0005619, 0005620, 0005621 - «ШАХСТРАНС» хусусий автомобилда ташувчилар ёпиқ ҳиссасдорлик жамияти (Тошкент шаҳри);
- AT № 0001149 - «Спутник-Навои» Ўзбек-Россия қўшма корхонаси (Навоий шаҳри);
- AT № № 0005879, 0005880 - «ШАХС-ТРАНС» МЧЖ шаклидаги автоташувчилар корхонаси (Самарқанд шаҳри);
- AT № 0005964 - «АСП» хусусий автомобилда ташувчилар уюшмаси (Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри).

| | | | |
|---|--|--|---|
| Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжа-лик сули раҳбарияти, «Хўжалик ва ҳуқуқ» журналы жамоалари Қашқадарь вилояти ҳўжалик судининг раиси Муьин Насул-лаевга волидан муҳтарамаси Робия НАСУЛЛАЕВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. | Ўзбекистон телерадиокомпанияси жа-моаси Маҳаллий телекўрсатув ва радио-эфиртиришлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдусамат Исоқовга акаси Абдулусмон АЗАМОВNING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | «Алоқинвест» АЖ жамоаси бошқа-рув раиси Абдунаби Тоғайалиевга тур-муш ўртоғи Дилбар ЙўЛДОШЕВА ва уларнинг синглиси Ихтибор ЙўЛДОШЕВАНING бевақ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. | «Уздунробита» Қўшма корхонаси «Алоқинвест» АЖ бошқарув раиси Аб-дунаби Тоғайалиевга умр йўлдоши Дилбар ЙўЛДОШЕВАНING фожиаи вафоти муносабати билан чу-қур таъзия билдиради. |
| Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта мах-сус, касб-хўнар таълими маркази жамоа-си касб-хўнар коллежлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ж. Ш. Шося-лимовга падари буюрхўвори ШОСИДНИҚ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқа-риш бирлашмаси жамоаси Физика-тех-ника институти етакчи илмий ходими, физика-математика фанлари доктори, про-фессор Анавар Йўлдошевга сингиллари Ихтибор ва Дилбар ЙўЛДОШЕВА ларнинг фожиаи вафоти муносабати билан чу-қур таъзия изҳор қилади. | | |

ТАХРИР ХАЙАТИ: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризасев, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худойёров, И. Шогўломов, О. Қайибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89; Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 213. 32643 нускада босилди, ҳажми — 2 тўлоқ, Об'ект усулида босилган. Котир бичими А-2 Газета ИВМ компьютерла терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Тахририятда ҳажми 5 қоролдан зиёд материаллар қабул қилинмади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов. Навбатчи — М. Ҳолматова. Мусоҳаҳчи — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилади: 21.30 1 2 3 4 5 6